ҲАМИША ТОЛЕИНГИЗ БАЛАНД БЎЛСИН, МУҲТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2013-yil, 8-mart. Juma ● 27-28 (31.618) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзғорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Соғлом она — соғлом бола» сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз ва шу асосда Давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ

### *«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди*

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ.**

«Туркистон» саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳуррриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда.)*

## ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминовага мамлакатимиз Президенти совғаси топширилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимиз ёшлари болаликдан спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро майдонларда юксак натижаларга эришмоқда.

Буни фарғоналик шахматчи Нафиса Мўминова мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат ўйинашни кунт билан ўрганди. 2002 йилда ўн икки ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурадиган ушбу турнирда қатнашиш учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Кўплаб халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзги Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиздаги дугоналари — Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржонова билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган «Тошкент опен» халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида ғолиб бўлди.




Халқаро шахмат федерацияси яқинда Нафиса Мўминовага халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритган Нафиса Мўминова Президентимиз Ислом Каримов совғаси — замонавий компьютер билан тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ж.Қосимов топширди.

— Ўзбекистон ёшлари, жумладан, спортчи ёшларимиз эришаётган мамлакат ва халқаро миқёсдаги юксак натижалар истиқлолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлиги туфайлидир, — деди халқаро гроссмейстер Н.Мўминова. — Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман. Юртбошимиз Рустам Қосимжоновга ҳам замонавий компъютер совға қилган эдилар. Бунинг самарасида Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини қўлга киритди. Жаҳон чемпиони бўлиш — менинг ҳам олий мақсадим. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолотига қаратаётган юксак эътибори бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ

*«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди*



Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шароит яратиш борасидаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир. Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни кучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораста қизлар» тўгаракларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш,

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда қанот бўлмоқда. Йиғилишда жорий йилда Президентимиз қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Қизлари доимий меҳр-ардоқда, эъзозда бўлган, беғубор орзу-интилишларга қанот бағишлаётган шу муқаддас Ватанда туғилиб, вояга етганимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Жиззах давлат педагогика институти жисмоний маданият факультети 3-курс талабаси Ирода Матмуродова. — Юртбошимиз томонидан билдирилган бундай юксак ишонч ва эътиборга аъло ўқиш, ҳалол меҳнат билан жавоб бериш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Қорақалпоқ Давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Зулфияхоним издошлари сафига қўшилган қизлар — Бухоро Давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинкўл Агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг «Мушоира» шеърини ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Иноғомов мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Сарой фойесида миллий ҳунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# АЁЛ — АЗИЗ, ОНА — МУҚАДДАС!

**Юртимизда мустақиллик йилларига келибгина аёллар чин маънода эъзоз топди, уларнинг жамиятда тутган мавқеи ва нуфузини, ижтимоий ҳаётимиздаги фаоллигини ошириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди.**

Бугун оналаримиз, опа-сингилларимиз мамлакатимизнинг катта вазифасини зиммасига олган сенатор, депутат, вазир, ҳоким, ташкилот раҳбари, илм сўқмоқларида ихтиролар яратаётган олима, маданий меросимиз ривожига ҳисса қўшаётган санъаткор, халқимиз бахтини тараннум этаётган адиба, халқаро мусиқа, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларининг ғолиблари, янги авлоднинг оқила мураббияси, дилларига дармон шифокори, хулласи калом, ҳар бири юртимизнинг фидойиси.

Юртбошимизнинг «Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», «Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир», деган даъвати бугун ҳар биримизнинг онгу шууримизни мунаввар этиб, эзгу ишларимизга қанот бағишлаяпти. Аёл — Оила — Жамият — Тараққиёт тушунчаларининг бирбирига узвий боғланганлигини теранроқ англатиб, бу узвийликни қадрлашга, мустаҳкамлашга ундаяпти.

**Дунёда онадай заҳматкаш зот йўқ, деб бежиз айтилмайди. Дарҳақиқат, оналарнинг умри давомида амалга оширадиган ишларини унча-мунча аллома ҳисоблаб адоғига ета олмайди.**

Лекин барчамиз кўриббилиб турибмиз, бизнинг юртимизда, бизнинг давримизда оналарнинг, аёлларнинг заҳматли меҳнати муносиб шарафланаяпти. Кўксида Қаҳрамонлик юлдузи, юзида қуёш балқиб турган аёлларимизга қараганда қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Ватанимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилган опа-сингилларимизни, айниқса, ўз иқтидорларини намоён қилиб «Ниҳол» ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган ёш-ёш қизларимизни кўрганда, кўнгилларимиз қувончдан яшнаб, севимли шоирамизнинг фараҳбахш тилакларини дилда такрорлаймиз: «Бу боғлар — бир боғлар бўлади ҳали!»

Ҳа, ўз бекалари, бегойим, бекажонларини эъзозлаётган Ўзбекистон деб аталган бу боғ жаннатмонанд бир боғ бўлади. Бунга аёлларни қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, оғирини енгил қилиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани кафолат беради. Аёлларни, оналарни эъзозлаган юрт эса тараққиётда юксак бўлса юксак бўлади, асло ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмайди.

Бизнинг қулоғимизга оналаримиз алласи билан эзгулик сингган эди. Ҳозирги янги авлод қулоғига эса Мустақиллик неъматларидан баҳра олган бахтиёр оналарнинг аллалари билан эзгуликнинг хуш нафаси сингмоқда ва улар юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида яратилган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиб вояга етмоқда. Демакки, интеллектуал салоҳияти кенг бу авлод биздан кўра кўпроқ юртимизни, оналарни, аёлларни улуғлайди. Она-Ўзбекистонимизни қудратли давлатлар ичра қудратли, обод мамлакатлар ичра обод давлатга айлантиради.

**Асрор МЎМИН**

# ҲАЁТДАН МАМНУНЛИК ҲИССИ

*хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий фаолликка ундамоқда*

**Машкура САФАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



**Ўзбек аёли азалдан оилам, болам, деб яшайди. Оиласи, фарзандларига жону жаҳонини бағишлайди. Хонадон тинчлиги, мустаҳкамлиги, фарзандларнинг эртага ким бўлиб улғайиши кўп жиҳатдан онага боғлиқ. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш эзгу фазилат сифатида улуғланади.**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга тобора катта эътибор қаратилаяпти. Миллий қонунчилигимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишига хизмат қиладиган барча ҳуқуқий асослар яратилган. Муҳими, бу юксак орзу-ният ҳаётда ҳам ўз ифодасини топаяпти. Ҳозирги кунда аёллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 22, Сенат аъзоларининг 17 фоизини ташкил қилади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг қарийб 20 фоизи хотин-қизлардан иборат. Маълумотлар таҳлил қилинса, сўнгги йилларда барча соҳаларда хотин-қизлар фаоллиги ошиб бораётгани яққол кўринади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг 182 тасида парламент мавжуд. Дунё парламентларининг 9 тасида хотин-қизлардан депутат сайланмаган. 173 мамлакат парламентида аёллар вакил қилиб кўрсатилган, шундан 83 тасида номзод кўрсатишда аёллар учун квота жорий этилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда сиёсий партиялар томонидан парламент депутатлигига кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши шартлиги ҳақида қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу — давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш учун аёлларга яратиб берилган имкониятнинг яна бир кафолати, десак, асло муболаға бўлмайди.

Йилимизнинг «Обод турмуш йили», деб номланиши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилангани юртимизда аёл зотини эъзозлашнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда қишлоқларда яшовчи аҳолининг маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун ажратиладиган истеъмол кредитлари миқдори 1,3 баробарга оширилади, минглаб оилаларда молиявий саводхонликни ошириш, оилавий бизнесни йўлга қўйишга оид тренинглар ташкил этилади, кам таъминланган оилаларда вояга етаётган 189 минг нафар қизни спорт турлари ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб қилиш мақсадида спорт кийимлари ва анжомлари берилади.

Ҳар бир минтақада 50 тадан кам бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилага никоҳ тўйларини ташкил этиш ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳомийлик кўмаклари кўрсатиш бўйича муҳим чоралар кўзда тутилган. Давлат дастурида белгиланган бу каби хайрли ишлар юртимиздаги ҳар бир оила обод ва фаровон бўлишига, хотин-қизларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратишга хизмат қилади.

Аёлга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча эзгу ишлар, ёруғ ниятлар ҳаммамизни олий мақсад — юртимизни дунёнинг энг ривожланган, халқи тўқ ва фаровон, обод мамлакатларидан бирига айлантириш йўлида янада қатъий бирлаштиради, деб ҳисоблайман.

# ОНА ВА БОЛА МАНФААТИ

*ҳимоя этилган юрт обод ва фаровон бўлади*

**Мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис бугун жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг фаол иштирокини кўриш мумкин. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган дастурлар ҳаётга изчил жорий этилаётгани ўз самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.**



Оила кодексининг 4-моддасида **она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш** аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, меҳнат қилаётган аёлларга қўшимча шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланиши белгилаб қўйилган. Бугун шу асосда аёллар саломатлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида касаначилик ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти.

Барча вилоятларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари ташкил этилгани, ҳар йили қишлоқ жойларда яшовчи ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан поливитаминлар билан таъминланаётгани ўз самарасини бераётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўтган 20 йил давомида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кескин камайди, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга узайди. Бу мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган эзгу ишларнинг натижаси, албатта.

ЎзХДП фаоллари тиббиёт ходимлари, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш идоралари билан бирга маҳаллаларда хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпти. Айниқса, бу тадбирларда маҳаллий Кенгаш депутатлари фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимиз раҳбари ҳар йили байрам муносабати билан йўллаган табрикларида аёллар шаънини улуғлаб, бизга энг эзгу тилакларини билдиради. Зеро, аёли қадр топган юрт обод ва фаровон бўлади.

**Моҳира ШАРИПОВА,**
**халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.**

# ТОШЛОҚ ТАЖРИБАСИ

*ёки янги иш ўринлари яратилмоқда*

**Бундан икки йил аввал Республика Хотин-қизлар қўмитаси БМТнинг «Аёллар тузилмаси» билан ҳамкорликда учта вилоятда «Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенгроқ татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида иш бошлаган эди.**

Ўшанда Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани субъектлардан бири этиб бежиз танланмаганди. Икки юз мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган бу туманда аёлларни фаол ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жалб этишнинг ўзига хос муаммолари бўлиб, ҳар бир қишлоқ, маҳаллада вақтинча ишламайдиган аёллар бор эди. Лойиҳа экспертлари уларни уйма-уй юриб аниқлашди. Мақсад — бундай аёллар учун ўз бизнесини очиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кредит олиш, бизнес режа тузиш, бозор қонунияти, маркетинг каби тушунчалар ҳақида дастлабки маълумот бериш бўлган. 100 нафар аёлни бир ҳафта давомида мутахассислар ўқитдилар. «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси ҳамкорлигида уларнинг 52 нафарига нақд бир миллион сўмдан имтиёзли кредит берилди. Ўқув сабоқлари зое кетмаган экан. Уларнинг барчаси кредит мажбуриятларини ўз вақтида адо этди. 92 та иш ўрни яратилди.

— Мен чеварчиликка қизиқар эдим, — дейди **Дилфузахон МЎЙДИНОВА.** — Берилган кредит маблағига тикув машинаси сотиб олдим. «Мода» журналидан янгича бичимларни ўрганиб кўйлак, аёллар костюми тика бошладим. Бозоримиз юришиб кетди. Ёнимга икки қизим ҳам кирди. Фойдадан аввалига яна битта тикув машинаси, кейинроқ яна бир машина харид қилдим. Энди оилада уч киши бўлиб ишлаяпмиз. Барчамиз ҳунармандлар уюшмасига аъзо бўлдик. Бу бизга солиқ тўлашда имтиёзлар берди. Даромадни яна 3 та тикув ва битта попоп машинаси сотиб олишга йиғаяпмиз. Шу кунгача иккита иш ўрни яратдик. Яна тўрт нафар ёшни иш билан таъминламоқчиман. Бу йил чеварчилигим кенгайиб, кичик ишлаб чиқаришга айланади. Келгусида алоҳида тикувчилик цехи ташкил қилиш ниятим бор.

— Уйда ўзимга кўрпа-тўшак тикиб кўргандим. Бинойидек чиқди. Лойиҳага қўшилгач, бир миллион сўмнинг ҳаммасига материал, хўжалик пахтаси сотиб олдим. Чоким текис эканми, маҳсулотим дастлаб тўй тараддудидаги оилаларга, кейин атроф туманларга етиб борди. Ишонасизми, яқинда Жиззах вилоятидаги тадбиркорлардан буюртма олдим. Энди ёнимга иккита шогирд олиб ишлаяпман, — дейди **Манзура МАҲМУДОВА.**

— Мен ўзимни қандолатчиликда синаб кўрдим, — дейди **Одинахон ҚОДИРОВА.** — Дастлаб туманимиздаги пишириқ усталарига шогирд тушдим. Кейин кредитга печ сотиб олиб, ўзим ширинликлар тайёрлай бошладим. Ҳаш-паш дегунча даромадга кирдим. Кредитни қайтаргач, яна бир печ ўрнатдим. Бир ўзим иш бошлаган эдим. Ҳозир уч киши ишлаяпмиз. Мен энди ҳам уста, ҳам иш бошқарувчиман.

Шу кунларда Тошлоқ туманида лойиҳанинг иккинчи босқичига киришилди. Унда юздан зиёд вақтинча ишламаётган аёллар қатнашаяпти.

— Тошлоқ тажрибаси жуда ижобий натижа берди, — дейди **лойиҳа эксперти Венера ЭРМАТОВА.** — Бу йил республиканинг 5 та вилояти ва Қорақалпоғистонда шу каби ишларни ташкил этдик. Тошлоқда эса 50 нафар биринчи босқич, 52 нафар иккинчи босқич иштирокчиларининг ҳар бирига 2,5 миллион сўмдан «Микрокредитбанк» орқали имтиёзли кредитлар ажратилади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ОСТОНАСИ ТИЛЛО УЙ

***— Хотин-қизлари маърифатли юртда ҳар бир уйнинг остонаси тиллоланади, — дейди Мингбулоқ туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ирода Қўчқорова***



**— Иродахон, аввало байрам муборак бўлсин. Улуғ айём арафасида вилоят хотин-қизлар қўмитасида бўлганимизда намунали фаолият юритаётган қўмита раҳбари сифатида сизни алоҳида тилга олишди.**

— Кўпнинг кўмагида қилган меҳнатинг, интилишларинг натижа берса, байрам ҳам тотли бўларкан. Туманимизда қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатларига мутлақо барҳам берилди. Бу масала қишлоқ жойларида осон кечмаслиги кўпчиликка маълум. Бир неча қизларнинг тўйларини тўхтатиб қўйишга ҳам тўғри келди. Сабаби, бу қизлар касб-ҳунар коллежларининг иккинчи-учинчи курс талабалари эди. Тўй тўхтатилди. Бу тушунтириш йўли билан амалга оширилгани, тарғиботда амалий таъсирчанликка эриша олганимиз маҳсулидир. Чунки халқимиз азалдан эзгуликни ёқлайдиган халқ. Ҳамкор ташкилотлар, маҳалла жамоатчилик вакиллари иштирокида бу қизларнинг ота-оналари билан ўтказилган суҳбат, тушунтириш ишлари натижасида шунга эришилди. Бундан кўриниб турибдики, юртдошларимизнинг маънавий-маърифий дунёқараши, онги, ҳуқуқий маданиятида катта ижобий ўзгаришлар юз бераяпти, уларга масаланинг моҳиятини тушунтирсангиз, тўғри қабул қилишмоқда.

Эндиликда жамоатчилик эътиборини қизларни лицей ва касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ўқишни битирмагунларига қадар турмушга узатмасликнинг аҳамиятини янада кенгроқ тарғибот қилишга эътибор қаратаяпмиз.

Умуман олганда бу борадаги саъй-ҳаракатларда туманимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, диний идоралар ва бошқаларнинг ўзаро ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган.

**— Никоҳ ва оила қуриш масаласи соғлом авлод, баркамол фарзандлар дунёга келиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Албатта, фуқаролик маърифати юксалгани сайин ҳаётга қарашларимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бориши табиий. Яқин-яқингача ҳали тўлақонли вояга етмаган қизлар ва уларнинг ота-оналарида турли сабаблар таъсирида иккиланиш, шошқалоқлик билан нотўғри қарор қабул қилиш каби ҳолатлар учрарди. Айниқса, қизларини ўқитиш, касб ўргатишга иккинчи даражали масала деб қарайдиган, тезроқ тўй қилиш орзу-ҳаваси билан саёз фикрлайдиган ота-оналар учраб турарди. Натижада яхши ўқиётган, келажакда илм олишни давом эттириб, жамиятга наф келтиришга қодир кўплаб истеъдодли қизларнинг орзулари рўёбга чиқмай қолаверарди. Натижада жисмонан ва руҳан тайёр бўлмаган ёшлар қурган оила мўрт бўлиб, турмушнинг дастлабки синовларидаёқ бузилиб кетарди. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, оила қуриш оддий масала эмас. Оила масаласига мутлақ шахсий масала деб қараш хато.

Бугунги кунда туманимизда эрта никоҳдан ўтиш ҳолатларининг олдини олиш учун 1 та шаҳарча, 7 та қишлоқ ва 41 та маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчи ва фаоллардан иборат гуруҳ иш олиб бораяпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида тумандаги умумтаълим мактабларини тугаллаётган 951 нафар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни битираётган 880 нафар қизнинг хонадонига алоҳида бориб, ота-оналари билан суҳбат ўтказилди. Унда ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг билим олиб, касб-ҳунар ўрганишлари учун яратилган имкониятлардан фойдаланиш ҳақида тушунтирилди.

Кўрилаётган чоралар натижасида туман бўйича ўртача никоҳ ёши йигитлар ўртасида йигирма тўрт, қизлар ўртасида йигирма бир ёшни ташкил этишига эришилди. Бу борада Маданият, Қўшқишлоқ, Толлиқ, Момохон, Қўғаликўл каби маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолияти диққатга сазовор.

**— Бу масалада жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Ҳамкорлик жуда зарур. «Маҳалла» жамоат фонди, сиёсий партиялар, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, туман тиббиёт бирлашмаси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, таълим муассасалари билан ҳамкорликда уюштирилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари самарали бўлмоқда.

Тумандаги 6 та касб-ҳунар коллежида битирувчи қизлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбат, шунингдек, ёзма сўровлар ўтказдик. Натижада айрим битирувчи қизнинг ўқишни қаерда давом эттириш ва қайси касб ёки ҳунарни танлаш ҳақида аниқ фикри йўқлиги ёхуд баъзи ота-она қизини таълимнинг кейинги босқичига йўллаш бўйича бефарқлиги аниқланиб, улар ўртасида алоҳида тушунтириш ишлари олиб бордик.

Туман марказий поликлиникаси қошида никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили 2064 нафар тиббий кўрикдан ўтказилган ёшлардан баъзи бирларида турли касалликлар аниқланганди. Бугунгача улар тегишли тартибларда соғломлаштирилди.

Мактаб ва коллежлар қошида қизларни оилавий турмушга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзи асослари юзасидан билимларини бойитиш, касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида «Ораста қизлар» тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Уларга ўқитувчилардан ташқари, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунос, психолог, иқтисодчи каби турли соҳа мутахассислари жалб этилгани самара бермоқда.

Давлатимизнинг оилалар мустаҳкамлиги ва баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратаётгани замирида буюк келажакка дахлдор энг эзгу мақсадлар мужассам. Бу маҳалла, оила, таълим-тарбия ва жамоатчилик институтларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларда яққол ўз ифодасини топаяпти. Қадим ўланларимизда «Остонаси тиллодан уй сеники», деб ёр-ёр айтилади. Бунинг мантиқ-мазмунида қиз боланинг ҳар томонлама соғлом ва етуклиги бутун бир миллат тақдири билан, Ватан ва унинг буюк келажаги билан боғлиқ эканлиги ўз ифодасини топган.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ
суҳбатлашди.**

**Аёлларимизни давлат ва жамоат ишларининг барча қайноқ нуқталарида учратиш мумкин. Чегараларимиз дахлсизлигини сақлаш, тинч-тотув ҳаётимизни муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш каби алоҳида жасорат ва довюраклик талаб қиладиган ишларда ҳам хотин-қизларимизнинг ўрни бор.**

# ТОНГДА ИШГА, КЕЧДА УЙИГА ШОШИЛГАН АЁЛ

***Ички ишлар вазирлиги масъул ходими, майор Саида Ҳошимованинг кундалик иш тартиби шундай тарзда ўтади***



Ҳамма қатори Саиданинг ёшликда орзулари кўп бўлган. Ҳамшираликка ҳавас қилган, ўқитувчи, ҳатто муҳандисликни танламоқчи бўлган. Барибир ота-она касби тортиб кетди. Отаси Ўлмас Ёқубов узоқ йиллар ички ишлар идораларида ишлади. Онаси Тожихон Газахpraoванинг ҳам 43 йиллик умри шу касб билан боғланди.

— Отам ва онам каби «осойишталик посбони», деб таърифланадиган касб эгаси бўлганимдан фахрланаман, — дейди Саида Ҳошимова. — Тўғриси, бизнинг хизматда аёл учун қийинчилик туғдирадиган ҳолатлар тез-тез учрайди. Фарзандларинг ёнида бўлишинг керак бўлган пайтлар топшириқни бажариш учун ушланиб қоласан. Туғилган кун, байрамлар, тўй ва тадбирларда ҳар доим ҳам яқинларинг ва қариндошларинг ёнида бўлолмаслигинг мумкин. Ошхона ва кечки овқат масаласида ҳам шунга ўхшаш вазиятлар бўлиб туради.

Бу борада менинг омадим чопган — турмуш ўртоғим ҳам ички ишлар идораларида масъул вазифада ишламоқда. Оилам мени тушунади, қўллаб-қувватлайди. Лекин аёллик ва оналик бурчимни қадрлайман. Фарзандларимга яхши тарбия беришим керак, улар тарбияси учун она сифатида мен масъулман. Ҳар икки фарзандим ҳозир институтда ўқияпти. Ўғлим Саидакбар иқтисодчи, қизим Комилахон эса ҳуқуқшуносликни танлаган. Уларга қараб оналик вазифамни ҳам тўлақонли адо этаётганимдан ич-ичимдан севинаман. Оиладаги ободлик ва фаровонлик, албатта биз — аёлларга боғлиқ. Аммо давлат ва жамоат ишида ҳам аёлларнинг елкасидаги вазифалар оз эмас.

Дарҳақиқат, Саида Ҳошимова сингари халқимизнинг тинчлигини сақлашда эркаклар билан ёнма-ён хизмат қилаётган қатъиятли ва жасур аёлларимиз кўп. Улар турмуш ободлиги ва юрт осойишталиги йўлида меҳнат қилмоқда. Хизматда фидойи, уйида меҳрибон она, оилада сариштали турмуш ўртоғи, маҳаллада жонкуяр инсон бўлган бундай аёлларимизни ҳар қадамда учратасиз. Уларни таниб олиш қийин эмас — эрталаб ишига, кечқурун уйига, фарзандлари бағрига шошаётган аёллар...

# ГУЛ КЎНГИЛНИ ОБОД ҚИЛАДИ, ДИЛЛАРНИ ЯЙРАТАДИ

**Баҳор — уйғониш фасли. Табиат айнан шу фаслда ўз чиройини очади. Қирдалалар кўкларга тўлиб, боғлар гулларга кўмилади. Чор атрофга хуш анвойи гулларнинг ҳиди таралади, келинчак фаслни қушлар чуғурлашиб мадҳ этади. Аслида баҳорда аёл нафосати, гўзаллиги мужассам.**







Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Пойтахтимиздаги «Ўрикзор» маҳалласида истиқомат қилувчи Карима аянинг гул боғида эса йил — ўн икки ой баҳор нафаси уфуриб туради. Боғ оралаганингизда саф тортиб турган гулларнинг хушбўй ҳиди димоғингизга урилади. Ая гулчиликка ёшлигидан меҳр қўйган. Гуллари ва кўчатлари билан гаплашади.

— Гулчиликни аслида касб деб билмайман, — дейди Карима ая. — Ёшлигимда отам гулларини меҳр билан парвариш қиларди. Мени ҳам ёнига олиб гулларга қандай сув қуйишни, озиқлантиришни, парваришлашни ўргатган. Шундан табиатга, айниқса, гулларга меҳрим баланд. Эрта тонгдан, биринчи навбатда боққа кириб гулларимни бирма-бир кўздан кечираман. Улар ҳам худди салом бераётгандай чайқалишади.

Гуллар ҳам бола, уларга меҳр берсангиз, авайласангиз чаман бўлиб очилаверади. Боғимизга чет мамлакатлардан келтирилган юз хилдан зиёд гуллар, кўчатлар ва турли навдаги арчалар экилган. Олиб келинган гулларни икки йил давомида парваришлаб, юртимиз иқлимига мослаштирганмиз. 50-60 хилдаги гулларимиз бор. Улардан кўпчилиги чидамли бўлиб, қишнинг қаҳратони ва ёзнинг жазирама кунларида ҳам бир хил ўсади.

Андижон пахтачилик институти агрономия факультетини тамомлаган Карима ая отаси сингари гулларни яхши кўрди, бутун куч-қувватини гулларни кўпайтириб, етиштиришга бағишлаб келаяпти. Меҳнати билан элга танилди, обрў топди. Юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам аяни ўзига устоз санагувчилар кўп. Мана, неча йиллардан буён халқимизга гулларини улашмоқда, юртимизни ободонлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бугун унинг ёнига тўрт нафар ўғил-қизи ва невaралари кириб, гулчилик билан шуғулланмоқда.

— Ҳар қандай гул кўнгилни обод қилади, — дейди аянинг қизи Гулбаҳор опа. — Шундай гуллар ҳам борки, улар худди дарахт сингари кузда барг тўкади, баҳорда эса биринчи гул бўлиб очилади, кейин барг чиқаради. Авалия деган гул — гулларнинг подшоси ҳисобланади. У совуққа ҳам чидамли бўлиб, март ойида, баъзан тўрт йил мобайнида кузда ҳам очилади. Магнолия, фикус, камелия каби гулсимон дарахтлар эса боғ-ҳиёбонларга ўзгача тароват бағишлайди. Булар доим яшил рангда бўлади.

Боғда булардан ташқари, шифобахш гул-дарахтлар, ўсимликлар ҳам бор. Масалан, гинга дарахтининг барги қуритиб ичилса, фалаж касалига даво бўлади. Шу билан бирга кундалик таом тайёрлашда солинадиган зираворли гулларнинг барглари ҳам ўстирилади. Турли хилдаги арчалар асосан ҳовли-уйларга, боғларга мўлжалланган бўлиб, баъзилари худди гулга ўхшаб хушбўй ҳид таратади.

Гуллар меъёрида суғорилади. Ойда бир марта бўлса ҳам таги юмшатилиб, илдизлари яхши ривожланиши учун махсус дорилардан фойдаланилади.

Ҳақиқатан боғдаги гулларнинг барги худди рассом томонидан чизиб қўйилган суратга ўхшайди. Баргларини ушласангиз нафас олаётганини сезасиз. Гулнинг ҳам салобати бўлар экан. У руҳингизни тетиклаштиради, ғуборингизни олади.

— Қалбида эзгу ниятлари жўш урган ҳар бир юртдошимизни қишин-ёзин гуллар билан сийлагим келаверади, — дейди ая. — Хонадонларимизни ҳеч қачон баҳорий кайфият тарк этмасин ва кириб келаётган Халқаро хотин-қизлар байрами билан барча опа-сингилларимизни чин қалбимдан табриклайман.

**Альбина ЖУМАНОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.**

# ВАТАНИМГА ҲИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН

**Дунёда касблар кўп. Лекин уларнинг ичида энг шарафлиси ҳарбийлик, Ватан ҳимоячиси бўлиш. Бугун Қуролли Кучларимиз сафида мард ва жасур ўғлонларимиз билан бир қаторда кўплаб хотин-қизларимиз ҳам хизмат қилмоқда.**



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман, — дейди шартнома бўйича оддий аскар Комила Олимжонова. — Оилада уч қиз бўлганмиз. Шунданми, отамга «ўғлингиз бўламан», деганман. Ниятимга етдим. Олти йилдан буён ҳарбий хизматдаман. Турмуш ўртоғим ички ишлар идорасида ишлайди. Битта қизимиз бор. Қуролли Кучларимиз Бош қўмондони томонидан бизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли касбимизнинг нуфузи янада ошди. Мен ҳарбий бўлганимдан, шу орқали Ватанимга, фарзандларимга хизмат қилаётганимдан бахтиёрман.

Бу гаплар унинг ҳамкасблари — Ойбаҳор Суюнова, Екатерина Усмонова ҳамда Анжелика Мўминова каби юзлаб ҳарбий либосдаги ватанпарвар аёлларимизнинг ҳам дил сўзларидир.

**Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА — ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ




Азамат ТОШМАТОВ олган сурат.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг спорт билан шуғулланаётган ўқувчи-қизларига Президент совғаси — спорт кийимларини тантанали топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, ана шундай тадбир Навоий шаҳрида ҳам уюштирилди. Унда маҳаллий ҳокимлик, жамоат ташкилотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, спортчи-қизлар ва уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Беш йилдан бери бадиий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Шаҳло Аҳмаджонова. — Президентимиз томонидан спортчи қизларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан чексиз миннатдорман. Келгусида бу эътиборга муносиб бўлиб, халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга сўз бераман.

Тантанада спорт билан мунтазам шуғулланаётган, катта спортга илк қадам қўяётган 1100 нафардан зиёд 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга Президент совғалари тантанали равишда топширилди.

**Илҳом САТТОРОВ**

✧✧✧

— Уч кунлик спорт байрами вилоятимизда кўтаринки руҳда ташкил этилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали раҳбари Фахриддин Абдурасулов. — Қўшалоқ шодиёна арафасида Термиз шаҳри ва барча туманларнинг 15 минг 908 нафар спортчи қизларига Президент совғалари топширилди.

Тадбирларда вилоят ва туман ҳокимлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Унда Президентимиз раҳнамолигида спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш, олис ва чекка қишлоқларда ҳам болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

— Юртбошимиз томонидан биз каби ёш спортчиларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди, — дейди Денов туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқувчиси Саодат Тоирова. — Бу йилги қўшалоқ байрам барчада яхши таассурот қолдирди. Спортчиларнинг чиқишларидан йиғилганлар завқ-шавқ олди. Уч йилдан буён дзюдо билан шуғулланаман. Ўтган йили Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Келажакда янада улкан чўққиларни забт этиб, юртимиз шону шавкатини оламга ёймоқчиман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

✧✧✧

Байрам арафасида Андижон олимпия захиралари спорт коллежида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоятининг марказидаги муассасаларда спорт билан мунтазам шуғулланаётган 500 нафар қизга Юртбошимиз совғалари тантанали равишда топширилди. Байрам тадбирида Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси М.Юнусова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи У.Убайдуллаевлар иштирок этди.

— Мен Андижон шаҳридаги 21-мактабда ташкил этилган бадиий гимнастика тўгараги мураббийиман, — деди Моҳигул Тиллаева. — 15 нафар қизга спортнинг ушбу турини ўргатаман. Бугун қизларимиз мана шу ажойиб спорт кошонасида Юртбошимиз совғаларини қабул қилиб олдилар. Биз буни катта спортга оқ йўл, деб биламиз.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**



**Меҳриноз АББОСОВА**

**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси. «Мен ёшликман» китоби муаллифи.**

## ОНАМГА

***Бизникида райҳон қуримайди ҳеч —***
***Райҳоннинг ҳам кўнглини топган онам.***
***Тонг отмасдан, қуёш уйғонмасидан***
***Қуёшдек-қуёшдек нон ёпган онам.***

***Қишлоққа ярашган ҳокисоргинам,***
***Сиз сабаб сайроқи бўлди-ку юрак.***
***Ўзи ҳамма шоирларнинг онаси***
***Мен ҳақимда шеър ёз, демаса керак.***

***Онам ҳам шунақа, ҳаммадан содда,***
***Ҳаммадан чиройли, ҳаммадан бўлак.***
***Йиллар ўтиб борар, онам наздида,***
***Ҳануз қизалоқман, ҳалиям гўдак.***

***Ёзганларим бари сиз деб онажон,***
***Жондек шеърларимдан ўзингиз устун.***
***Шоирлар дунёга келади асли,***
***Онаси ҳақида шеър ёзмоқ учун!***

## ҚУЛАЙ, ШИНАМ ХОНАДОНЛАР

*Меҳрибонлик уйи битирувчилари учун*
*Обод турмуш йилида муносиб туҳфа бўлди*

***Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 1 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги қарорига асосан Обод турмуш йилида Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи битирувчиларига 12 хонадонли турар-жойнинг калитлари топширилди.***

— Турмуш ўртоғим билан ўз хонадонимизга эга бўлдик, — дейди Меҳрибонлик уйи битирувчиси Ўткир Ғойипов. — Укам Анвар, синглим Фаридага ҳам алоҳида уй беришди. Барча қулайликларга эга, уй-рўзғор жиҳозлари билан таъминланган хонадонга киришимиз билан мустақил ҳаёт бошлашимиз учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганидан қувониб кетдик. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун ҳукуматимиздан беҳад миннатдормиз. Ҳар доим Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга, юрт тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишга интилиб яшаймиз.

Жиззах туманининг Учтепа даҳасидаги ушбу турар-жой вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ҳомийлар ҳамкорлигида қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Реклама**




**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ**
**«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»**
*объявляет открытый тендер по приобретению:*

***ЛОТ № 1 – малая многоцелевая коммунальная машина – 2 штуки.***

***ЛОТ № 2 – машина для уборки снега, оборудованная отвалом, вращающейся щеткой и установкой, производящей холодный воздух – (3+1) штуки.***

***ЛОТ № 3 – погрузчик паллет и контейнеров грузоподъемностью не менее 7 тонн – 1 штука.***

Максимальный срок поставки техники – 150 дней с момента проведения предоплаты покупателем.

Срок действия предложенной цены должен быть не менее 180 дней.

Задаток под участие в тендере составляет 5 000 (пять тысяч) долларов США за каждый лот. Задаток отечественных участников тендера принимается в национальной валюте по курсу ЦБ РУз на день внесения.

Задатки вносятся на следующие расчетные счета:

– валютный: 22696840300185981059 В ОПЕРУ «Азия Альянс Банк», СВИФТ ASACUZ22.

– сумовый: 22696000400185981002, МФО 01095: В ОПЕРУ «Азия Альянс Банк».

После объявления победителя тендера все залоги будут возвращены за вычетом издержек на проведение банковских операций.

Желающих принять участие в тендере просим прислать на E-mail:sst.tas@uzairways.com или по факсу: 8-10-99871-140-28-48 заявку на получение тендерной документации. Заявка должна быть оформлена на фирменном бланке организации и заверена подписью руководителя и печатью, иметь исходящий номер. К ней должна быть приложена копия платежного поручения о внесении задатка.

При участии претендента по двум или всем трем Лотам, на каждый Лот представляется отдельная заявка с указанием номера Лота и формируется отдельный пакет с тендерной документацией.

***Тендер будет проводиться с 11 марта по 11 апреля 2013 г.***

***Прием заявок на пакет тендерных документов будет осуществляться до 18 марта 2013 года.***

***Прием тендерных предложений завершится в 15.00 ташкентского времени 11 апреля 2013 года.***

***Итоговое заседание тендерной комиссии состоится 23 апреля 2013 года.***

***Дополнительную информацию можно получить по телефону: +99871-140-29-54.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИ БАҲОРИЙ БАЙРАМЛАР БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ ВА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ЯНГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР АМАЛГА КИРИТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

**8 март — халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан**

**«НАФОСАТ»**

- **сақлаш муддати – 2 ой;**
- **бошланғич бадал миқдори – 5 000 000 сўм бўлиб, маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади;**
- **омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;**
- **фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади;**
- **омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йилнинг 13 мартига қадар амалга оширилади.**



**«Наврўз» байрамига бағишланган**

**«ШОДИЁНА»**

- **сақлаш муддати – 3 ва 6 ой;**
- **бошланғич бадал миқдори 3 ойга – 4 000 000 сўм, 6 ойга – 2 000 000 сўм;**
- **омонатга қўшимча бадаллар нақд пул кўринишида қабул қилинади;**
- **фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади;**
- **омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йилнинг 30 апрелига қадар амалга оширилади.**

**«Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан**

**«ФАРОВОН»**

- **сақлаш муддати – 1 йил;**
- **омонатга қўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади;**
- **фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади, ҳисобланган фоизлар капитализация қилинмайди;**
- **омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилади.**

**Шунингдек, хорижий валюта — ЕВРОда янги муддатли омонат жорий этилди**

**«МЕРОС»**

- **сақлаш муддати – 9 ой;**
- **омонатга қўшимча бадаллар 500 евродан кам бўлмаган миқдорда қабул қилинади;**
- **фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада тўланади.**

*Бундан ташқари, миллий валютадаги «Кўпайсин», «Пенсионный», «Талаба» ва «Кафолат» омонатларининг амал қилиш муддати омонат муайян муддатига қадар, «Сармоя», «Хазина», «Тарона» ва «Шинам» омонатларининг амал қилиш муддати 2013 йил 1 июлига қадар узайтирилганини маълум қилади.*

**Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

**www.nbu.com** **Хизматлар лицензияланган.**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

*2013 йилда қурилиши, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| Лот-1 | Пастдарғом тумани, Б.Исломов кўчаси, 3-уйдаги «Баркамол авлод» болалар маркази биносини капитал таъмирлаш | 383 935 944 сўм | 460 723 133 сўм | 6 ой |
| Лот-2 | Ургут тумани, И.Рофиев кўчаси, 60-уйдаги «Баркамол авлод» болалар маркази биносини капитал таъмирлаш | 378 668 459 сўм | 454 402 150 сўм | 6 ой |

***Курилиш ишлари Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| Лот-1 | Ургут тумани, Қинғир массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (4-этап) | 382 674 279 сўм | 459 209 135 сўм | 4,5 ой |
| Лот-2 | Ургут тумани, Камангарон массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши (2-этап) | 483 635 922 сўм | 580 363 190 сўм | 5 ой |
| Лот-3 | Ургут тумани, Мерганча массивида намунавий уйларнинг ички ва кириш йўллари қурилиши | 335 724 698 сўм | 402 869 638 сўм | 4,5 ой |

***Қурилиш ишлари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.***

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи***: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. телефон: (8366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 1-2 (Лот-1, Лот-2), Лот 1-3 (Лот-1, Лот-3) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ





## 8 март

— Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан муҳтарама онахонларимизни, мунис опа-сингилларимизни ҳамда лобар қизларимизни самимий табриклайди.

*Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.*










MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346
20311 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.55
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5